

Бир ракати топилган намознинг ҳаммаси топилади

05:00 / 04.01.2017 4378

Яъни, охирги вақти чиқмай туриб бир ракати ўқиб қолинган намоз, вақт чиқмай туриб ўқилган ҳисобига ўтади. Гарчи бир ракатдан бошқаси ўз вақтида ўқилмаса ҳам.

Абу ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким қуёш чиқишидан олдин бомдоддан бир ракатни топса, батаҳқиқ, бомдодни топибдур. Ким қуёш ботишидан олдин асрдан бир ракат топса, батаҳқиқ, асрни топибдир», дедилар».

Бешовлари ривоят қилишган.

Шарҳ: Ушбу ҳадиси шарифдан олинаниган фойида ва ҳукм очиқ-ойдин кўриниб турибди.

Бир одам узр туфайли бомдод намозига кеч қолса, қуёш чиқмай туриб бир ракатини ўқиб қолса, қуёш чиқса ҳам иккинчи ракатини ўқийверади. Ва намози вақтида ўқилган намоз ҳисобланади. Қазо бўлмайди.

Шунингдек, бир киши кеч қолиб, асрнинг бир ракатини ўқиганидан кейин қуёш ботиб қолса, намози ботил бўлмайди. У ўз намозини давом эттириб ўқийверади. Намоз тугал бўлади.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким намоздан бир ракатни топса, батаҳқиқ, намозни топибдир», дедилар».

Икки Шайх ва Насайй ривоят қилишган.

Шарҳ: Бу ҳадисда фақат бомдод ёки аср намозлари ҳақида эмас, балки барча намозлар ҳақида сўз бормоқда. Муслмон одам кеч қолиб қайси бир намознинг охириги вақтида бир ракат бўлса ҳам ўқиб қолса, ўша намозни тамомлайди ва ўз вақтида адо қилган ҳисобланади. Намози қазо бўлмайди.

Баъзи кишилар намоз вақти кеч бўлиб қолса, кейинроқ, бемалол, қазо қилиб ўқиб оларман, деб бепарволик қиладилар. Бу мутлақо нотўғридир. Муслмон киши умуман намозни қазо қилмаслиги керак. Бир вақт қазо бўлган намознинг гуноҳини ювиш қанча қийин-ку!. Шунинг учун охириги вақтида бўлса ҳам, биргина ракатига илашиб қолса ҳам ҳаракат қилиш керак. Бундоқ рухсат берилиши ҳам биз бандалар учун айни меҳрибонликнинг ўзидир.